

УДК: 809.1.001.2

**АЗИЗ ҚАЮМОВНИНГ НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИ ТАДҚИҚИГА БИОГРАФИК ЁНДАШУВИ
ИССЛЕДОВАНИЕ ДИВАНОВ АЛИШЕРА НАВОИ В АСПЕКТЕ
БИОГРАФИЧЕСКОГО ПОДХОДА, ВЫПОЛНЕННОЕ А. КАЮМОВЫМ**

**AZIZ KAYUMOV'S BIOGRAPHICAL APPROACH TO THE INVESTIGATION OF
DEEVANS BY NAVOI**

Адизова Ободон Истамовна

БухДУ филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таянч сўзлар: биографик усул, бадий образ, шеър, девон, ғазал, шоҳ, шоир, ёшлик, кексалик, дўст, бадий, илмий, мавзу, ғоя, ҳаёт, бадий талқин, лирик қаҳрамон.

Ключевые слова: биографический метод, образ, стихотворение, диван, король, детство, старость, друг, литературный, научный, тема, идея, жизнь, художественная интерпретация, лирический герой.

Key words: biographic method, character, poem, divan, gezel, poet, king, childhood, old age, friend, literary, scientific, topic, idea, life, artistic interpretation, lyrical hero.

Мақолада адабиётшунос Азиз Қаюмовнинг Навоий асарларини англашда биографик усулдан фойдаланиш маҳорати ёритилган. Шоирнинг девонлари таҳлил этилган.

В статье рассмотрено мастерство использования биографического метода в исследовании произведений Алишера Навои литературоведом Азизом Каюмовым. Также в статье анализируется эпическое творчество поэта.

The article deals with the mastery of the use of biographic method in understanding the works Alisher Navoiy by literary critic Aziz Kayumov. The epic works of the poet are also analyzed in the article.

Кириш. Навоий асарларини биографик усулда, яъни муаллиф асарига унинг таржимаи ҳоли, яшаган даври нуқтаи назаридан ёндашиб ўрганиш адабиётшунос Азиз Қаюмов фаолиятининг устувор йўли бўлиб, Навоийни англашда, унинг асарлари моҳиятини чуқур тушунишда энг мақбул метод эканини тўлиқ намоён этади. Алишер Навоий ижодини унинг ҳаёт йўли билан боғлаб ўрганишга бошқалардан кўра кўпроқ интилган академик Азиз Қаюмов шоир ҳақидаги асарларида унинг кичик ёшидан шеър ёза бошлаганини билдириб ўтади.

Асосий қисм. Навоий ўзининг кичикликдан шеърга муҳаббат қўйгани ҳақида энг йирик шеърини девони "Ҳазойин ул-маоний"нинг дебوحасида ҳам айтиб ўтган. Ушбу дебочада шоир яна икки девон: "Бадое ул-бидоя" билан "Наводир ун-нихоя"ларни тузгани, уларга сўзбоши ёзганлигини хабар қилади. "Ҳазойин ул-маоний" таркибига киритган биринчи девони моҳиятан етти-саккиз ёшдан йигирма ёш билан боғлиқ болалик даврини таърифлагани учун "Ғаройиб ус-сиғар" ("Болалик ғаройиботлари"), иккинчиси йигирмадан ўттиз бешгача кечадаган йигитлик даври, яъни умр фаслининг ёзи шарафига бағишлангани сабабли "Наводир уш-шабоб" ("Йигитлик нодирликлари"), учинчиси ўттиз бешдан қирқ бешгача ҳисобланадиган умр фаслининг гўзал пайти таърифида яратилгани боис "Бадое ул-васат" ("Ўрта ёшлик гўзалликлари"), тўртинчиси қирқ бешдан олтмиш ёш яқинигача бўлган умр фаслларининг қишига қаратилгани туфайли "Фавойид ул-кибар" ("Кексалик фойдалари") деб номланганини билдириб ўтади.

Маълумотларга қараганда, Навоийнинг биринчи девони "Бадое ул-бидоя"нинг тузилмоғи бевосита шоҳ Султон Ҳусайн Бойқаронинг оти, унинг диққат-эътибори ва ғамхўрлиги билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун бу девонда Султон Ҳусайн Бойқарога атаб ёзилган шеърлар ҳам анчагина. Азиз Қаюмов буни табиий ҳол деб баҳолайди [1]. Шундай ғазаллардан бирида куйидаги сатрлар учрайди:

Бўлди чу шоҳ сурди ислоҳ этарга хома,
Ҳар байти шоҳ байте, ҳар нома шоҳнома.

Бу сатрлар мазмунидан шуни англаш мумкинки, демак, шоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам шоир сифатида шеърят қонун-қоидаларини яхши билган. Шундан келиб чиқиб, у

шоир Алишер Навоий билан ижодий ҳамкорликлар қилиб турган. Бундай ижодий яқинлик уларнинг ўртасида муттасил давом этган. Шунинг учун бу ҳақда Навоий миннатдорлик билан "Бадое ул-бидоя" девонининг дебوحасида алоҳида тўхталиб, ўз шеърларининг айрим жойларини Ҳусайн Бойқаро ислоҳ этганини, бу ишдан ушбу шеърлар янада гўзалроқ бўлганини билдириб ўтади. Шу девондаги яна бир саккиз байтли ғазалда шоирнинг фироқдан шикоятлари аслида дўсти Султон Ҳусайн Бойқародан узоқда бўлгани учун юзага келган деб қаралади [2]. Унда шундай куйланади:

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон,
Кулки, айрилғай бегидин, ваҳ бек неким султонидин.

Навоийнинг "Наводир ун-ниҳоя" девонидаги ғазалларда ҳам шоир кўнглига энг яқин бўлган ғоя ва фикрлар учрайди. Уларни шоир бевосита лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, кечинмаларининг бадиий изҳори сифатида баён этгани кузатилади. Шоир ўзи яшаган давр, ижтимоий-сиёсий муҳит, атрофидаги доирага муносабатини очиқ-ойдин кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан, у "Наводир ун-ниҳоя"даги бир ғазалида шундай ёзган:

Навоий ўзингни қил ул навъфард
Ки, ўзлукни ҳам сол ўзингдан қироқ.

Азиз Қаюмов шоирнинг ушбу сатрларини таҳлил қилар экан, бу ғазал (№338) бошидан охиригача дунё, жаҳондан четланиш, ёлғизлик, алоҳидаликни тарғиб этувчи шеър эканини, Навоий "ўзингни қил ул навъфард" деган даъватига риоя этиб, шахсий ҳаётини мардона фард (якка)ликда ўтказганини билдиради. Шу ўринда олим лирик чекиниш қилиб: "Улуғлар ҳаётни биздан кўра яхшироқ билганлар. Шунинг учун уларнинг қилмишларига баҳо беришдан, биз бу масалада бирор узил-кесил фикр билдирмоқдан тортинамиз, узоқмиз ва бунга журъатимиз ҳам йўқ. Шунинг учун муҳтарам ўқувчиларимизга бу масалада бирор узил-кесил фикр билдирмоқчи эмасмиз. Эҳтимол, шоирда бундай қараш (фардлик) бошқа сабаблар туфайли ҳам юз бергандир", – деб ёзади [3].

"Наводир ун-ниҳоя"да Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқарога садоқати ва чин ҳурмати ифода топган сатрлар ҳам алоҳида эътиборни тортади. Уларда шоир султониининг унга бўлган қарамли муносабати, гуноҳларини кечирмоғи тўғрисида сўзлайди ва шундай султон билан фахрланишини билдириб ўтади:

Эй Навоий, гарчи журмум кўптурур, лекин бунавъ,
Хусрави соҳибқарамким, менда бордур, кимда бор.

Азиз Қаюмов ўз кузатишлари давомида Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" ёки "Чор девон" қуллиёти таркибига кирувчи учинчи "Бадое ул-васат" девонидаги ғазаллар орасида умуминсоний, оламшумул масалалардан ташқари, бевосита шоирнинг кундалик турмуши, ўзининг шахсий ҳолати, кечинмалари, ҳатто нотоблигини тасвир этувчи шеърлари ҳам учраб туришини таъкидлаб, унинг сариғ касали билан оғригандаги аҳволини кўрсатувчи бир ғазал шу девонда борлигини билдиради. Жумладан, бу девондаги № 297-рақамли ғазал бўлиб, унда шундай дейилади:

Ярақондин менга гар бор эса рухсор сариғ.
Турфа кўнгилки, эрур дийдаи хунбор сариғ.
Кўзки, қон ёш оқибон бўлмаса сариғлиги дафъ
Ранги гўёки сариғ пола киби бор сариғ...

Бу ғазалда шоир ўша сариғ касалининг қандай кечаётгани тўғрисида ёзади. Аммо шеър бетобликдан ҳасрат, хафалик билан эмас, балки боғда гулзор ҳам гоҳо гулни сариғ кўрсатмоғига нисбат билан яқунланади:

Хас киби бўлса Навоийга сариғ юз, кулмагил,
Кўргизур гулни дағи боғда гулзор сариғ.

Навоий ижодига биографик нуқтаи назардан ёндашилганда, шоирнинг "Хазойин ул-маоний" қуллиёти таркибидан ўрин олган тўртинчи "Фавойид ул-кибар" девонидаги турлича ҳажмли 32 бўлимлик "Соқийнома"си айрича эътиборни тортади. Чунки бу асар мазмуни Навоий мансуб бўлган муҳит, ундаги ижтимоий кайфият, Навоийнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган айрим кишилар, шунингдек, шоирнинг ўз шахсий ҳаётига оид лавҳалар, фикр-ўйлари баёнидан ташкил топган. Шоир унда дунёдан ўтган айрим яқинлари, уларнинг "Бири ҳамсуҳбату ҳамдарду рафиқ, туққанамдан дағи-юз қатла шафиқ" бўлиб, ҳаётини ё энг яқин дўст, ё ёр, ё фарзанд каби тўлдирганини айтиб ўтади. Айниқса,

улар орасида Мирзобек, Мир Дарвеш, Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадлар номини алоҳида тилга олиб ўтади. Уларнинг вафот этганини айтиб, нурли хотирасига ҳурматини баён қилади ва руҳидан ўзига мадад тилайди.

“Наводир ун-ниҳоя” девонининг охириги варақларидан бирида Навоий ўзининг ёши, умрининг хуш пайтлари ўтиб кетгани тўғрисида бундай деб ёзган:

Менки, эллик йил чекиб ғам, топмадим хушвақтлиғ,
Топғаменму умрнинг эмдики, ўтмиш хушроғи [4].

Демак, девондаги ушбу ғазал ёзилганда Навоий 50 ёшга тўлган бўлган. Бошқа бир ғазалида шоир ўзининг туғилган йили ҳижрий тақвимда 844 йилга тўғри келишини, агар унга 50 қўшилса ($844+50=894$) 894 ҳосил бўлишини (бу милодий календарда 1488-89 йилга тўғри келади), шундан “Наводир ун-ниҳоя” – “Девони жадид”нинг тузиб тугалланган йили (1488-89) аниқланиши мумкинлигини билдириб ўтади. Азиз Қаюмов Навоийнинг ижодига назар ташлар экан, улуғ шоирнинг айрим ғазал ёки қитъалари яратилишига қайсидир бир воқелик асос бўлганини аниқлаб, уларни янада чуқурроқ ўрганишга эътибор қаратган.

“Бадое ул-васат” девонидаги қитъаларда Навоийнинг ўз шеърлари миқдори, байтларининг сони тўғрисида билдириб ўтган маълумотлари ҳам шоир биографиясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда шоир ёзади:

Эй Навоий, сўз ила анча гуҳар сочтингким,
Баҳру кон кирди қора ерга сенинг килкингдан.
Бирига ё ўнига, ё юзига, ё мингига
Дегай эл, найлагай ортуқ эса эллик мингдин.

Ёки яна:

Навоий шеъри тўққуз байту, ўн бир байт, ўн уч байт,
Ки лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин.

Кўриняптики, Навоий ўз шеърларининг эллик минг мисрадан ортиқлигини, тузилишига кўра тўққиз, ўн бир, ўн уч байт кўринишида эканини шахсан таъкидлаб ўтмоқда.

Хулоса. Алишер Навоий ижоди Азиз Қаюмов тадқиқотларининг асосий диққат марказидан ўрин эгаллаган. Олим кўп йиллик илмий изланишлари давомида улуғ шоир меросига ҳурмат ва ихлос билан назар солиб, унинг форсий, арабий, туркий ғазалларидан тузилган ҳар бир девони-ю “Хамса” таркибидаги дostonларидан тортиб, насрий, илмий асарларигача таҳлил ва тадқиқ этишга эришди. Азиз Қаюмовнинг кўпгина китоб ва мақолаларида Алишер Навоий асарларининг бадиий хусусиятлари, нозик қирралари шоирнинг биографиясига таяниб очиб берилгани муҳим жиҳат сифатида кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Қаюмов А.** Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 170.
2. **Қаюмов А.** Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 171-174.
3. **Қаюмов А.** Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 301.
4. **Қаюмов А.** Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 315.

УДК: 398.61.001.32(575.1)(043.3)

ТОПИШМОҚЛАРДА МЕТАФОРА

МЕТАФОРЫ В ЗАГАДКАХ

METAPHORS IN RIDDLES

Жўраева Мунис Юнусовна

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, фольклор бўлими катта илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)